

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМУРОДОВ УЛУҒБЕК БАҲРОМ ЎҒЛИ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛОҚОТ ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА**  
**СЎРОВЛАРНИ ЯРАТИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ МОДЕЛ,**  
**АЛГОРИТМЛАР ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютар тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

<b>Бекмуродов Улуғбек Баҳром ўғли</b> Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модел, алгоритмлар ва дастурий мажмуаси .....	<b>3</b>
<b>Бекмуродов Улуғбек Баҳром угли</b> Модель, алгоритмы и программный комплекс для поддержки формирования запросов на основе интеллектуальных диалоговых систем.....	<b>21</b>
<b>Bekmurodov Ulugbek Bakhrom ugli</b> Model, algorithms and software package to support the formation of queries on the basics of intelligent dialog systems.....	<b>39</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	<b>43</b>

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКМУРОДОВ УЛУҒБЕК БАҲРОМ ЎҒЛИ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛОҚОТ ТИЗИМЛАРИ АСОСИДА**  
**СЎРОВЛАРНИ ЯРАТИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ МОДЕЛ,**  
**АЛГОРИТМЛАР ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютар тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т2280 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Мўминов Баҳодир Болтаевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Рахимов Нодир Одилович  
техника фанлари доктори  
Хўжаев Отабек Кадамбаевич  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» ноябр соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail:tuit@tuit.uz.

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (226 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43.

Диссертация автореферати 2021 йил «22» октябр куни тарқатилди. (2021 йил «18» октябр даги 32 рақамли реестр баённомаси).



**Р.Х.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, доцент.

**М.А.Рахматуллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, сўнги йилларда маълумотларга интеллектуал ишлов беришнинг анъанавий ва замонавий усуллари ривожланишига бағишланган илмий ишлар салмоғи ўсиб бормоқда. Айниқса, рақамли маълумотларнинг ўсиши кўплаб амалий ва техник масалаларни келтириб чиқармоқда. International Data Corporation ва Seagate компанияси ҳисоботларига кўра 2020 йилда глобал маълумотлар ўсиши кескин ошиб, унинг ҳажми 47 ZB ни ташкил қилган. Computer World журнали манбаларига кўра глобал маълумотларнинг 80% структуралашмаган маълумотларни ташкил этишини таъкидлади<sup>1</sup>. Бу эса катта ҳажмдаги маълумотлардан керакли ахборотни излашда инструментал дастурий модулларнинг ҳаёт циклини узайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш учун ишлатиладиган технологиялар, интеллектуал тизимлари, ақлли дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий қилишга ундайди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаларда фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва уларнинг дастурий таъминотларини яратишда, уларга кўмаклашувчи самарали ҳисоблаш алгоритмларни ишлаб чиқиш муаммолари, АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Япония, Австралия, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон каби мамлакатларда долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда замонавий билимларни ифодалашда онтология моделларини ривожлантириш борасида компьютер технологиясидан фойдаланиб, интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи алгоритмлар ва дастурий мажмуаларни ишлаб чиқишга доир кўплаб компаниялар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада Apple-Siri (АҚШ), Amazon-Alexa (АҚШ), Google-Assistant (АҚШ), Яндекс-Алиса (Россия) ва бошқа компанияларни санаб ўтиш мумкин. Инсон-машина ўртасида интеллектуал муҳит яратган ҳолда, сўровларни яратишга кўмакловчи математик моделлар, алгоритмлар ва билимлар базаси ҳамда қулай интерфейсга эга дастурий мажмуасини яратиш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамизда маълумотларга ишлов беришнинг назарий ва амалий соҳаларида интеллектуал тизимларини яратиш муаммоларини дастурий воситалар ёрдамида ҳал этиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланишда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Жумладан «...кутубхоналар фаолиятининг самарадорлигини ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш (шу жумладан, пулли хизмат кўрсатиш)

<sup>1</sup> Artificial Intelligence, Big Data Analytics and Insight - analyticsinsight.net

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тезкорлигини ошириш учун электрон китоблар тарқатишга ихтисослашган интернет-ресурслар билан ҳамкорликни кенгайтириш»<sup>3</sup> бўйича вазифалар берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, хусусан кутубхона соҳаси ахборот тизимларига интеллектуал таҳлил модулларини қўллаган ҳолда амалий ва фундаментал билимлардан баҳраманд бўлишини таъминлайдиган аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда сўровларни яратишга кўмаклашиш, интеллектуал тизимларда билимларга ишлов беришнинг самарадорлигини ошириш ва уларни танлаш, ишлаб чиқиш, такомиллаштириш масалалари ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, М.Румизен, Л.Прусак, Т.Давенпорт, И.Нонака, С.Дисперса, Д.Чавел, У.Букович, Р.Уилямс, К.Поппер, В.Турчин, МакЭлрой, Х.Такеучи, Д.Фенсел, С.Стааб, Р.Студер, Т.Бернерс, Ж.Ҳендлер, А.Меадче, В.Зачариас, Г.Стефанопулос, Л.Борохович, А.Монастырская, М.Трохова, Ф.Перегудов, О.Мамырбаев, Т.А.Гаврилова, Ф.В.Хорошевский ва бошқа хорижий олимларнинг бу борадаги илмий ишлари қиёсий ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистонда интеллектуал тизимларда билимларга ишлов бериш ва аниқланган кўрсаткичлар асосида натижа самарадорлигини аниқлаш бўйича назарий асосларини ривожлантиришга М.Камилов, Т.Бекмуратов, Ш.Фозилов, М.Арипов, Д.Мухаммадиева, А.Ахатов, М.Мусаев, М.Рахматуллаев, Б.Мўминов, О.Бобомуродов, Н.Маматов ва бошқалар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, билимлар ва маълумотлар базасини бошқариш ҳамда лойиҳалашда Петри модели таҳлилларини қўллаб, онтологик моделлардан фойдаланиб сўровларни яратишга кўмаклашувчи модел ҳамда алгоритмлар ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаганлигини ва долзарб муаммолигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасини илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг «20/19-Ф -

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 7-июндаги ПҚ-4354-сон Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида

Виртуальная электронная библиотека Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразми и его филиалов» (2019-2020), «21/19-Ф- Методы и программные средств интеграций разнородных информационных систем» (2019-2021) ва «БЁО-А5-007 – Видео-маълумотларни автоматик таниб олиш масаласини ечишинг дастурий воситаси, усул ва алгоритмлари ишлаб чиқиш» (2016-2018) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интеллектуал мулоқот тизимлари элементлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модел, алгоритмлар ҳамда дастурий мажмуасини ишлаб чиқиш, FSV технологияси билан интеграция қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

интеллектуал мулоқот тизимларининг сўровларни шакллантириш мулоқот архитектурасини ишлаб чиқиш;

корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтологиясини қуриш усулини ишлаб чиқиш ҳамда мос предмет соҳа учун онтограф моделни қуриш;

интеллектуал муҳитда савол-жавобга асосланган бир тугун транзакция учун мулоқот сценарийсининг алгоритми ва сўровга дастлабки ишлов бериш алгоритминини ишлаб чиқиш;

фойдаланувчи сўровларни шакллантиришга йўналтирилган мулоқот сценарийси тизимларининг функционал тузилмаси ва унга мос дастурий инструментларни ишлаб чиқиш;

билимлар базасида фактлар ва қоидаларга асосланган ҳодисалар негизида сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи интеллектуал мулоқот сценарийсининг билимлар ва маълумотлар базасини бошқаришнинг Мили модели ва ER модели ҳамда маълумотлар тузилмасини ишлаб чиқиш;

маълумот типи ва тузилмасига йўналтирилган FSV технологияси ва дастурий мажмуасининг интеграцияси талаблари ва усулини ишлаб чиқиш;

сўровларни шакллантириш учун интеллектуал мулоқот тизимларига асосланган дастурий инструмент ва мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** фан ва таълимга оид маълумотлар ҳамда маълумотларни излаш жараёни қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** предмет соҳада билимларни ифодалашнинг онтологик моделларига ёндошув усуллари, билимларга ишлов бериш ва MVC дастурлаш технологиялари, объектга нисбаттан дастурлаш ва компьютерли моделлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотни усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, графлар назарияси, сунъий онг методологияси ва интеллектуал таҳлил усуллари, математик ва компьютерли моделлаштириш, билимларни ифодалаш моделлари, билимлар ва маълумотлар базасини бошқариш, Мили автомати, Петри тўри модели, норавшан тўпламлар назариясидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

формал онтологияни ифодалаш қонуниятлари асосида корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтологиясини қуриш усули ҳамда мос предмет соҳа учун онтограф модели қурилган;

мулоқот архитектуралари асосида интеллектуал муҳитда савол-жавобга асосланган бир тугун транзакция учун мулоқот сценарийсининг алгоритми ва сўровга дастлабки ишлов бериш алгоритми ишлаб чиқилган;

сўровларни шакллантиришга йўналтирилган мулоқот сценарийси тизимларининг функционал тузилмаси ва унга мос дастурий инструментлар ишлаб чиқилган;

объектга нисбаттан дастурлаш тамойиллари асосида билимлар базасида факт ва қоидага, ҳодиса ва хусусиятга асосланган сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи интеллектуал мулоқот сценарийсининг билимлар ва маълумотлар базасини бошқаришнинг Мили автомати модели ва ER модели ҳамда маълумотлар тузилмаси ишлаб чиқилган;

маълумот типи ва тузилмаси асосида FSV технологияси ва дастурий мажмуасининг интеграцияси талаблари ва усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

интеллектуал мулоқот тизимларининг архитектураларига асосланиб, сўровларни шакллантириш мулоқот архитектурасини ишлаб чиқилди;

сўровларни шакллантириш учун интеллектуал мулоқот тизимларига асосланган дастурий инструмент ва мажмуасини ишлаб чиқилди;

билимлар базасида факт ва қоидага, ҳодиса ва хусусиятга асосланган сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи интеллектуал мулоқот сценарийсининг билимлар ва маълумотлар базасини лойиҳаси ишлаб чиқилди.

мулоқот архитектуралари асосида интеллектуал муҳитда савол-жавобга асосланган бир тугун транзакция учун мулоқот сценарийсининг алгоритми ва сўровга дастлабки ишлов бериш дастурий модули яратилди;

интеллектуал мулоқот тизимлари элементлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи «ИМТИ» номли дастурий мажмуа ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тақдим этилган алгоритмларнинг тўғрилиги, тестлаш натижалари, алгоритм ва усулларнинг апробацияси босма нашрлар ва халқаро илмий конференциялар маърузаларида, тажрибавий тадқиқотлар ва яратилган дастурий мажмуасини амалиётга тадбиқ этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтологиясини қуриш усули ва онтограф модели, бир тугун транзакция учун мулоқот сценарийсининг алгоритми ва сўровга дастлабки ишлов бериш алгоритми, билимлар базасида факт ва қоидага, ҳодиса ва хусусиятга асосланган сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи интеллектуал мулоқот сценарийсининг билимлар ва маълумотлар базасини бошқаришнинг модели ихтиёрий соҳа предмети учун маълумотларни интеллектуал излаш усул ва алгоритмларини назарий жиҳатидан яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

«ИМТИ» дастурий мажмуа яратиш функционал тузилмалари ва талаблари, FSV технологияси ва дастурий мажмуасининг интеграцияси талаблари ва усули асосида корпоратив ахборот кутубхона тизимида янги



дастурий инструментларни интеграция масалаларини амалий ечишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модел, алгоритмлари ва «ИМТИ» дастурий мажмуаси асосида:

мижоз-сервер технологияларида савол-жавобга асосланган бир тугун транзакция учун мулоқот сценарийсининг алгоритми ҳамда сўровга дастлабки ишлов бериш алгоритми, сўровларни шакллантиришга йўналтирилган мулоқот сценарийси тизимларининг функционал тузилмаси ва унга мос дастурий инструментлари асосида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи дастурий мажмуаси Республика болалар кутубхонасига, А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 июльдаги №33/8-5208-сон маълумотномаси). Натижада интерактив мулоқотни жорий қилиш ва сўровларни аниқ яратиш даражаси бир бараварга ошган, фойдаланувчига сўровни яратиш 25%га тезлашган, аниқ сўров асосида излаш вақтини қисқартириш 50%га камайган, қидирув босқичларидаги ахборот алмашинув тезлигини ошириш ва ҳисоботларни шакллантириш вақтини 2 мартага қисқартиришга имкон яратиб берган;

фактлар ва қоидаларга асосланган ҳодисалар негизида сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи интеллектуал мулоқот сценарийси хизмат кўрсатувчи дастурий инструментни «Robotics Lab Future Technology Company» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 июльдаги №33/8-5208-сон маълумотномаси). Натижада электрон ресурсларни излаш хизматини 35%га тезлаштирган, унга кетган вақт 2 бараварга қисқарган ҳамда сўровларни шакллантириш аниқлигини 50% ошириш имкониятини берган;

корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтограф модели, интеллектуал мулоқот сценарийлари учун билимлар ва маълумотлар базасини лойиҳалаш ва бошқариш алгоритмлари, маълумот типи ва тузилмасига йўналтирилган FSV технологияси ва дастурий мажмуаси Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг 5 та филиаллари, Қирғизистон Республикасидаги Олий таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 июльдаги №33/8-5208-сон маълумотномаси). Натижада ахборот ресурс марказларида маълумотларни излаш 35%га тезлашган, маълумотларни таҳлилига фойдаланувчиларнинг сарфлаган вақти 1.5 бараварга қисқарган, сўровларни шакллантириш босқичларидаги аниқлик 40%га ошган ҳамда ҳисоботларни шакллантириш вақти 25%га қисқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқотнинг асосий натижалари 32 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 11 таси

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 3 та хорижий журналларда ва 4 та Республика журналларида ҳамда ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида 2 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятига асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишнинг назарий асослари»** бобида, интеллектуал мулоқот тизимлари ва ўзига хос хусусиятлари, билимларни ифодалашнинг моделлари, корпоратив ахборот-кутубхона ва маълумотларни излаш тизимлари, сўровларга ишлов беришнинг модел ва усуллари таҳлил қилинган ҳамда масаланинг қўйилиши келтирилган.

Интеллектуал мулоқот тизимларини яратиш учун интеллектуал муҳит қуриш муҳим ҳисобланади. Интеллектуал муҳитнинг мақсади – инсон иштирокисиз (қисман иштироки билан) фойдаланиш имконини берадиган билимлар билан ишлаш моделлари ва усулларини яратишдир.

Тадқиқотларда билимларни ифодалаш ва тасвирлашнинг моделлари, усуллари ўрганилиб, интеллектуал муҳитни қуриш учун энг самарали аппарат онтология эканлиги аниқланди.

Онтология – объект учун яратилган таксономиялар, терминлар, уларнинг таърифлари, хусусиятлари, тегишли аксиомалари ҳамда қоидаларидан иборат.

Онтологияларнинг махсус синфлари – оддий таксономия, тушунча ва мета-маълумотлар бўлиб ҳисобланади. Масалан,

$$O = T^0 = \langle C, \{бу \dots\} \rangle$$

Ахборот тармоқларида мета-маълумотлардан, хусусан кўп тилли мета-тавсифлардан фойдаланиш зарур объектларни ва улар ҳақидаги маълумотларни қидириш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Мета-тавсифларни контентлар, маълумотлар ва билимлар базаларига ҳавола қилиш билан бирлаштириш кўплаб соҳаларда кенг тарқалган.

Семантик мета-тавсифлар муайян предмет соҳадаги объектларнинг семантикасини имкон қадар ҳисобга оладиган онтологиянинг бир қисмидир. Предмет соҳанинг онтологиясини қуриш учун тавсифловчи мантиқ орқали

ифодаланувчи формал инструментлар учун муносабатлар (онтология тавсифлари) терминологиясини ишлаб чиқиш лозим (1-жадвал).

1-жадвал.

**Онтология тавсифлари(терминологияси) ва муносабатлари.**

Монография	≡	Матн $\cap$ Илмий
Дарслик	≡	Матн $\cap \exists$ Илмий
Диссертация	≡	Монография $\cap \exists$ Автор. Матн
Ўқув қўлланма	≡	Дарслик $\cap \exists$ Автор. Матн
Ресурс	≡	Диссертация $\sqcup$ Ўқув қўлланма
БЁ	≡	Диссертация $\cap \exists$ Автор. Ресурс
Кўп томли асар	≡	Ресурс $\cap \geq n$ Автор
Контент	≡	Ресурс $\cap \forall$ Автор $\neg$ Монография
Каталог	≡	БЁ $\cap \exists$ Автор. Ресурс

Маълумотларни излаш модулларини яратиш ва жорий қилиш натижасида корпоратив ахборот кутубхона тизимини архитектурасига мослашувчан излаш механизмини яратиш учун компьютер тармоқларининг 3 босқичли «клиент-сервер» тамойилига асосланган архитектураси ишлатилади.

**FSV технологияси** – корпоратив ахборот муҳитларида маълумотларни излашга йўналтирилган моделлари, усуллари ва алгоритмларини интеграция ва модификацияловчи, сервер иловали мижоз-сервер архитектурасига асосланган инструментал дастурий платформадир.

Шунингдек, корпоратив ахборот тизимларида излаш модулларининг фойдаланувчига қулай бўлиши учун асосий бажарилиши лозим бўлган функциялари: излаш сўровига ишлов бериш; излаш натижаларининг сўровга мослиги; топилган ресурсларни тўғри ва оқилона даражалаш имкониятидир.

Бу функцияларнинг натижалари ўзаро боғлиқ, чунки биринчи функциянинг натижаси иккинчи функцияга таъсири мавжуд, иккинчининг учинчи функцияга таъсири мавжуд.

Диссертациянинг «**Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модулнинг математик таъминоти**» боби учта параграфдан иборат бўлиб, интеллектуал мулоқот тизимларининг архитектуралар ва услублари, корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтологиясини қуриш усули, интеллектуал мулоқот сценарийларни қуриш ва улар асосида сўровларни шакллантиришга кўмаклашиш усули, интеллектуал муҳитда объектларнинг яқинлигини аниқлаш усуллари келтирилган.

Интеллектуал мулоқот тизимлардан фойдаланиб, сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи дастурий модулларининг 3 та архитектура-лари ишлаб чиқилди. Улар:

1. Фойдаланувчининг сўровига мос саволларни генерациялаш;
2. Тартибланган саволлар мажмуасидан танлаш;
3. «Аралаш» саволларни генерациялаш ва танлаш.

Корпоратив ахборот кутубхона объектларининг онтологиясини қуриш билимларни ифодалаш ва интеллектуал муҳитни яратиш учун хизмат қилади.

Предмет соҳа учун онтологияни қуриш қуйидаги учлик асосида тушунилади:

$$O = \langle X, R, F \rangle$$

Предмет соҳа учун онтологияни қуриш усули икки босқичдан иборат:

1. Предмет соҳа учун даслабки таҳлилларни ўтказиш ва синф хусусиятлар учун характеристикаларни аниқлаш;

2. Предмет соҳа учун онтограф моделини қуриш. Бунда онтограф – биграфик бўлиб, унинг учлари предмет соҳа синфлари (объектлари) ва ёйлари эса улар орасидаги муносабатлардир. Биграф бир нечта ёйлар битта учга кириб чиқиши билан бир томонлама йўналтирилган графдир.


Норавшан йўналтирилган гиперграф  $\tilde{H} = (X, D)$  жуфтлик тўпламига айтилади, қайсики  $X = \{x_i\}, i \in I, I = \{1, 2, \dots, n\}$  – учлар тўплами ва  $D = \{\check{d}_j\}, j \in J, J = \{1, 2, \dots, m\}$  норавшан йўналтирилган ёйлар тўплами. Бунда эса, ҳар бир ёй учун қуйидагича (1) норавшан тўплам мавжуд.

$$\check{d}_j = \left( \left( \frac{\mu_{d_j}(x_{i_1})}{x_{i_1}} \right), \left( \frac{\mu_{d_j}(x_{i_2})}{x_{i_2}} \right), \dots, \left( \frac{\mu_{d_j}(x_{i_m})}{x_{i_m}} \right) \right) \quad (1)$$

Бундан эса ихтиёрий норавшан онтология (1)га асосланган норавшан учли йўналтирилган граф кўринишида ифодаланиши мумкин, яъни

$$O \rightarrow \tilde{X}(H) = (X, \tilde{U}) = \bigcup_{\check{d}_j \in D} \tilde{G}(d_j)$$

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида интеллектуал мулоқот сценарийлари циклик жараён бўлиб, унинг элементлари тугунлар асосида қаралса, унинг икки ўтиш схемаси: тўғридан-тўғри ўтиш; шарт орқали ўтиш ишлаб чиқилди. 1-расмда интеллектуал мулоқот сценарийларининг тугунлар орқали ўтиш схемаси тасвирланган.



**1-расм. Интеллектуал мулоқот сценарийларининг тугунлар орқали ўтиш схемаси.**

Бунда  $N$  – тугунлар, яъни  $N_{k-1}$  – кировчи савол,  $N_k$  – чиқувчи жавоб, маълумотлар базасидаги  $l_i (i=1, \dots, n)$  тугунга мос саволлар ва  $t_i (i=1, \dots, n)$  тугунга мос жавобларнинг формалашган кўриниши.

Интеллектуал мулоқот сценарийларининг тугунлар орқали ўтиш схемасида тўғридан-тўғри ўтиш қуйидаги қоидага асосланади:

$$NODE: \left( R: \left( Q \left( node: \left( N_{k-1} \rightarrow N_{k-1}^{lj} \right) \right) \right) ? A(N_k^{ti}): A(N_k^{tn}) \right) \rightarrow N_{k+1},$$

$$j = 1, \dots, n, i = 1, \dots, n - 1.$$

Бунда  $A(N_k^{tn})$  бериладиган саволга энг универсал жавоб ҳисобланади. Шунинг учун саволга мос жавоблар топилмаса, энг универсал жавобдан фойдаланилади.  $n$  – саволга мос вариантлар сони.

Интеллектуал мулоқот сценарийларининг тугунлар орқали ўтиш схемасида шарт орқали ўтиш куйидаги қоидага асосланади:

$$NODE: \left( R: \left( \left( \exists Q \left( node: \left( N_{k-1} \rightarrow N_{k-1}^{lj} \right) \right) \right) \wedge \left( \forall \left( node: \left( N_c \rightarrow N_c^{lj} \right) \right) \right) \right) \right) ? A(N_k^{ti}): A(N_k^{tn}) \rightarrow N_{k+1},$$

$$j = 1, \dots, n, c = 1, \dots, m \ll k - 1, i = 1, \dots, n - 1.$$

Бунда  $A(N_k^{tn})$  бериладиган саволга энг универсал жавоб ва  $n$  – саволга мос вариантлар сони.

Бу шартлардан эса интеллектуал мулоқот сценарийларни Мили автоматига асосланадиган қилиб, уни қуриш усулини куйидаги (2) бешлик асосида ёзиш мумкин.

$$D = \{Q, A, T, f, g\} \quad (2)$$

бунда  $D$  мулоқот сценарийсини билдиради.

Ўтиш ва чиқиш функциялари Мили автоматининг классик таърифига мос келади. Хотирага кириш усулини моделлаштиришда транзакция функцияси табиийдир. Шунинг учун,  $f$  ва  $g$  функциялари ўрнига  $\varphi$  функциядан фойдаланилади.

$$\varphi: (T \times A) \rightarrow (T \times Q)$$

Интеллектуал мулоқот сценарийнинг жавобларни эслаб қолиш хусусиятига эга автомат моделини (3) математик кўринишини куйидагича ифодаланади:

$$Q = \{Q_1, Q_2, Q_3, Q_4\}; A = \{A_1, A_2, A_3, A_4, A_5\}; T = \{t_1, t_2, t_3, t_4\}$$

$$\left. \begin{array}{l} \varphi: (t_1, A_1) \rightarrow (t_1, Q_1) \\ \varphi: (t_1, A_3) \rightarrow (t_3, Q_3) \\ \varphi: (t_1, A_4) \rightarrow (t_4, Q_4) \\ \varphi: (t_1, A_5) \rightarrow (t_2, Q_2) \\ \varphi: (t_2, A_1) \rightarrow (t_2, Q_2) \\ \varphi: (t_2, A_2) \rightarrow (t_1, Q_1) \\ \varphi: (t_2, A_3) \rightarrow (t_3, Q_3) \\ \varphi: (t_2, A_4) \rightarrow (t_4, Q_4) \end{array} \right\} \quad (3)$$

ф функция билан ифодаланган транзакция функцияси (3), бир томондан, саволлар тўпламига кириш мантиғини таърифлайди ва шу маънода саволлар тўпламига кириш усулининг математик модели, иккинчи томондан эса муаммони ечишнинг мулоқот сценарийси усули мантиғи сифатида қаралади.

Таклиф қилинган мулоқот сценарийсида саволларга мос рақамланган ёки индексланган мос жавоблар ва кирувчи саволга мос саволлар тўплами ҳам мавжуд.


Бундан эса дастлабки кирувчи саволни тушуниш учун қуйидаги босқичлар бажарилган бўлиши керак:

1) онтологияга асосланган интеллектуал муҳит қурилган бўлиши;  
 2) онтологияга мос маълумотлар ва билимлар базасини бошқариш тузилмаси ишлаб чиқилган бўлиши;

3) синф хусусиятлар ва ҳодисалар, уларнинг объект сифатидаги қийматлари базада бўлиши;

4) сўровни объектларга ажратиш услуби бўлиши лозим. Мулоқот тизими архитектурасидаги фундаментал ва технологик таҳлиллар назарда тутилади.

Бу босқичлар маълум предмет соҳаси учун интеллектуал муҳитни яратувчи экспертлар ва уларнинг бошқарувчилари томонидан ифодаланган таҳлилларга асосланиб онтологияси қурилади.



2-расм. Мулоқот сценарийсининг алгоритми.

Мулоқот сценарийсининг алгоритмда (2-расм):  $A_i? = 1$  – бу тушунарли жавоб;  $A_i? = 0$  – бу тушунарсиз жавоб;  $Next(t_i)$  – бу навбатдаги транзакция;  $Q_k$  – бу тушунарсиз жавобга савол;  $Q_s$  – бу  $Q_k$  асосида  $t_k$  транзакцияни шакллантириш лозим бўлган  $Q_s$  савол;  $Q_i? = Q_s$  – бу жорий савол, такрорланганлигини билдиради,  $Q_i$  ни аниқлаш – бу қисм алгоритм.

Шундай қилиб, транзакцияни бажаришда аниқ автомат моделини келтириб чиқаргандан сўнг, мулоқот сценарийси усулининг норавшан автомат

моделини ифодалаш мумкин. Мулоқот сценарийси усулининг норавшан автомат модели етгита элемент орқали ифодаланиши мумкин:

$$D^* = (Q, A, T, \mu_Q, \mu_A, f, g) \quad (4)$$

Бунда:  $Q = \{Q_j, \mu_Q(Q_j)\}, j = 1, \dots, k$  – савол мулоқот сценарийсининг тўғридан-тўғри бўлмаган саволлар тўплами;  $A = \{A_j, \mu_A(A_j)\}, j = 1, \dots, l$  – жавоб мулоқот сценарийсининг ёлгон жавоблар тўплами;  $T = \{t_i\}, i = 1, \dots, n$  – мулоқот сценарийсини транзакциялар тўплами;  $\mu_Q: Q \rightarrow [0,1]$  – савол мулоқот сценарийсининг саволининг тўғрилик даражасини аниқлаш функцияси;  $\mu_A: A \rightarrow [0,1]$  – жавоб мулоқот сценарийсини жавобининг кутилаётган ростлик функцияси;  $f: T \times A \rightarrow T$  – жорий транзакция ва савол мулоқот сценарийсидан олинган жавобга қараб  $D$  ни янги транзакцияга ўтиш функцияси;  $g: T \times A \rightarrow Q$  – савол мулоқот сценарийсини саволининг номини жорий транзакция ва жавоб мулоқот сценарийсидан олинган жавоб асосида чиқиш функцияси.

Диссертациянинг «**Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модулнинг дастурий мажмуасини яратиш**» бобида интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи дастурий мажмуасининг архитектураси ва функционал тузилмаси, билимлар базаси, маълумотлар базасини лойиҳалаш ва бошқаришнинг IDEF1x моделлари ишлаб чиқилган.

Интеллектуал мулоқот тизимлари учун компьютер тармоқларининг архитектурасини танлаб олинди. Бу архитектура учун дастурий модуллар ва мулоқот сценарий тизимларининг функционал тузилмаси нуқтаи назаридан тўрт хил вариант таклиф қилинди.

1. Белгиланган мулоқот сценарийси билан мулоқот.

2. Мулоқот объектлари бўйича билимлар базасига асосланган интеллектуал мулоқот.

3. Табиий тилда берилган сўровга ишлов бериш билан интеллектуал мулоқот.

4. Предмет соҳа объектлари бўйича мантиқий муносабатлар ва билимлар базасига асосланган мулоқот сценарийлари билан ёндашилган интеллектуал мулоқот тизимлари.



3-расм. Гибрид интеллектуал мулоқот тизимнинг функционал тузилмаси.

Гибрид интеллектуал мулоқот тизимлари схемасини дастурий модулининг функционал тузилмаси 3–расмда келтирилган. Ушбу функционал тузилма интеллектуал мулоқот тизимлари дастурий мажмуасининг барча мулоқот сценарийларига асосланган функционал тузилмаларининг гибрид тузилмасидир.

Интеллектуал мулоқот тизимнинг дастурий мажмуаси 4 та дастурий модулдан таркиб топган функционал тузилмаси куйидагича (4-расм):



**4-расм. «ИМТИ» дастурий мажмуасининг функционал тузилмаси.**

Интеллектуал мулоқот тизимларига асосланган мулоқот сценарийларининг моделида, мантиқий муносабатлар лойиҳалаштирилган тавсифини олиш учун қоидаларга асосланган билимлар базасини лойиҳалаш ва бошқариш услублари яратилди.

Билимлар базаси бир нечта ҳодисага асосланган факт ва қоидалардан иборат ҳамда билимлар базасининг фактлар тўплами  $Fa = \{fa_i\}, i \in I, I = (1, 2, \dots, n), n$  – фактлар сони бўлсин. Бу фактлар ҳодисалардан иборат бўлиб, мос равишда ҳодисанинг чин ва ёлғон натижалари мавжуд. 2-жадвалда билимлар базасининг фактлари келтирилган.

**2-жадвал.**

**Билимлар базасининг фактлари**

№	Факт	Ҳодиса	Чин	Ёлғон
1	$fa_1$	Сўров киритиш	Сўров	Сўровни кирит
2	$fa_2$	Сўров ўзагини топиш	Ўзак	Яқин сўров
3	$fa_3$	Ўзакни таҳлил қилиш	Объект	Қайта таҳлил бошла
4	$fa_4$	Жавоб яқинлиги	Қониқарли	Қониқарсиз
5	$fa_5$	Саволни генерациялаш	Тақдим эт	Яқин саволни изла
6	$fa_6$	Онтологик таҳлил	Жавоб натижа	Қайта таҳлил бошла
7	$fa_7$	Объект яқинлиги	Юқори	Паст
8	$fa_8$	Объектга мос саволни танлаш	Савол	Яқин савол
9	$fa_9$	Устуворлик бўйича саволни танлаш	Савол	Яқин савол
10	$fa_{10}$	Тақдим этиш	Тугат	Жавоб яқинлигини текширишни бошла



Агар предмет соҳанинг барча синфлари учун худди шундай билимлар базасини фактлари ва қоидалари ишлаб чиқилса, бу онтологик билимлар асосида билимлар базасини лойиҳалаштириш ва бошқариш услубини ташкил этади.

Билимлар базасининг 2–жадвалда келтирилган ҳодисага асосланган фактлар тўплами учун қуйидагича қоидалар ишлаб чиқилади.

$$\begin{array}{ll}
 R1: (fa_1? fa_2: fa_1) & R6: (fa_6? fa_4: fa_6) \\
 R2: (fa_2? fa_3: fa_1) & R7: (fa_7? fa_9: fa_8) \\
 R3: (fa_3? fa_7: fa_3) & R8: (fa_8? fa_{10}: fa_4) \\
 R4: (fa_4? fa_5: fa_6) & R9: (fa_9? fa_{10}: fa_4) \\
 R5: (fa_5? fa_{10}: fa_4) & R10: (fa_{10}? fa_1: fa_4)
 \end{array} \quad (4)$$

Савол билан боғлиқ билимлар кўпинча (4) қоидалардан бири билан ифодаланади. Бунда эса қуйидагича ёндашувни амалга ошириш мумкинлиги белгилайди.

$$\begin{aligned}
 K_s = \langle x, \{P_\alpha(x)\} \rangle, \alpha = 1, \dots, m, \\
 K_s = \langle P(x), \{x_\alpha\} \rangle, \alpha = 1, \dots, m,
 \end{aligned} \quad (5)$$

Бунда,  $x$  – объект-ҳодиса,  $P(x)$  – ягона предикат,  $x - P$  хусусиятга эга деган маънони англатади,  $P_\alpha(x)$  –  $P$  хусусиятнинг кенгайтирилган рўйхати,  $\{x_\alpha\}$  –  $x$  ҳодисаларнинг кенгайтирилган рўйхати,  $m$  – кенгайтирилган рўйхатдаги элементлар сони.

Фараз қилайлик, объект-ҳодиса учун қуйидагича 4 та факт берилган бўлсин:

$$\begin{aligned}
 fe_1 \Rightarrow \text{илмий асар} \rightarrow \text{таҳлил қилиш}; \\
 fe_2 \Rightarrow \text{илмий асар} \rightarrow \text{ўрганиш}; \\
 fe_3 \Rightarrow \text{илмий асар} \rightarrow \text{мулоҳаза қилиш}; \\
 fe_4 \Rightarrow \text{илмий асар} \rightarrow \text{кўчириш}.
 \end{aligned}$$

Бу фактлардан фойдаланиб, (5) ифодани қуйидагича (6) ёзиш мумкин.

$$\left\{ \begin{array}{l}
 K_s = \langle x, \{P_\alpha(x)\} \rangle = \langle x, \{fe_1, fe_2, fe_3, fe_4\} \rangle \\
 fe_1 = x | P(x) = P_1(x) \\
 fe_2 = x | P(x) = P_2(x) \\
 fe_3 = x | P(x) = P_3(x) \\
 fe_4 = x | P(x) = P_4(x)
 \end{array} \right. \quad (6)$$

Бунда  $P(x)$  – ягона предикат,  $x$  – илмий асар учун бажарилиши мумкин бўлган ҳодиса деган маънони беради ва мос равишда қуйидагига тенг.

$$P(x) = (P_1(x), P_2(x), P_3(x), P_4(x)) = (\text{таҳлил қилиш, ўрганиш, мулоҳаза қилиш, кўчириш})$$

Интеллектуал мулоқот тизимларида аниқ мулоқот сценарийсини ҳосил бўлиши учун ҳар бир чиқиш қадамида айнан битта натижа ҳосил бўлиши керак. Демак, ҳар бир транзакция бўйича билимлар базасидан бирор бир ҳодиса турининг битта объекти ёки хусусият турининг битта объекти бўлган аниқ бир факт-жавоб олиниши керак. Бундан эса, «жавоб/факт» – бу  $x$  объект-ҳодиса,  $P(x)$  ҳодисасига эга бўлган  $x$  объект-ҳодиса. (6) ифода учун ҳам мос

равишда «жавоб/факт» – бу  $P(x)$  объект – хусусият,  $x$  объектига хос бўлган  $P(x)$  хусусият.


Интеллектуал мулоқот сценарий учун фактлар ва продукцион қоидаларга асосланган билимлар базаси ва маълумотлар базасининг IDEF1x модели ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «Дастурий мажмуасининг интеграцияси ва жорий қилиш натижалари» бобида «ИМТИ»ни яратиш технологиялари ва техник талабларини ишлаб чиқиш, мулоқот сценарийсининг фойдаланувчи интерфейсларини лойиҳалаш, FSV технологияси ва «ИМТИ»нинг интеграцияси, корпоратив ахборот-кутубхона тизимларида «ИМТИ» модулининг жорий қилиш натижалари келтирилган.

«ИМТИ»да даслабки кирувчи маълумот  $q$  сўров ва чиқувчи натижа эса  $q^*$  сўровдир. Интеграция масаласини ечиш учун ягона маълумотлар тузилмасини қуйидаги (7) асосида ифодаланади.

$$S_d = \{q, U_{ID}, IP, f\omega^Q: q \rightarrow q^*, q^*, time\} \quad (7)$$

Маълумот тузилмаси 9 та функциялар (алгоритмлар) ёрдамида интеграциянинг интерфейслари ишлайди (5-расм).



**5-расм. Интеграцияни амалга оширишнинг функционал тузилмаси.**


STUIT, МАКТЕК, RoboLib, SrLIB, KGLib дастурий мажмуалари ишлаб чиқилди ва жорий қилинди. Самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинди ва олинган натижалар график кўринишида ифодаланди (6–, 7–, 8–, 9 – расмлар):

сўровни шакллантиришга кетган вақт ( $F_t$ );


сўровга мос ресурсларнинг тўпланими шакллантириш вақти ( $R_t$ );

сўровга мос ресурсларнинг тўпланими сони ( $R_c$ );


сўровнинг мос ресурсларнинг тўпланими аниқлиги (фойдаланувчилар хулосаси асосида) ( $R_U$ );



6-расм. Сўровни шакллантиришга кетган вақтнинг солиштирма диаграммаси



7-расм. Сўровга мос ресурсларни тўпламини шакллантириш вақтининг солиштирма диаграммаси



8-расм. Сўровга мос ресурсларни тўпламини сонининг солиштирма диаграммаси



9-расм. Сўровнинг мос ресурсларни тўпламини аниқлигининг (фойдаланувчилар хулосаси асосида) солиштирма диаграммаси

Самарадорлик кўрсаткичларининг тахлили натижасида интеграллаштирилган ахборот кутубхона тизимлари жорий қилинган тармоқларда «ИМТИ»ни жорий қилиш асосида танлаб олинган кўрсаткичларининг тахлиллари асосида, ахборот ресурс марказларининг фаолияти самарадорлиги ошганлигини кўриш мумкин. Бу эса, анъанавий ахборот ресурс марказларга нисбаттан, «ИМТИ»ларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

## ХУЛОСА

Диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи модел, усул ва воситаларининг тахлили асосида интеллектуал мулоқот тизимини яратишнинг асосий элементи бу сунъий онг моделлари, усуллари, ёндошувлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, «билим» билан боғлиқ тушанчалар ва предмет соҳа учун билим яратиш жараёнининг беш босқичли модели асосида билимларни яратиш мақсадга мувофиқдир.

2. Интеллектуал мулоқот тизимларида сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи савол-жавобга асосланган мулоқот тизимларининг 3 та

архитектуралари ишлаб чиқилди. Бу таклиф қилинган архитектуралардан турли интерактив сўровномаларнинг архитектураларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Предмет соҳага мўлжалланган онтология учун  $\tilde{O}(H)$  норавшан учли йўналтирилган граф модели ва интеллектуал мулоқот сценарийсининг жавобларни эслаб қолиш хусусиятига эга автомат моделининг математик модели ишлаб чиқилди. Бу моделлар турли предмет соҳа учун онтологияларни қуришда назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда хизмат қилади.

4. Веб-архитектурага асосланган компьютер тармоқларида интеллектуал мулоқот сценарий тизимларининг белгиланган мулоқот сценарийси билан мулоқот, мантиқий муносабатлар ва билимлар базасига асосланган мулоқот сценарийлари билан ёндашилган функционал тузилмаси яратилди. Бу функционал тузилма инсон фикрини аниқлаш каби масалалар учун амалий дастурий модулларни яратишда фойдаланиш мумкин.

5. Қоидалар асосида интеллектуал мулоқот сценарийни ташкил этиш тизимга тегишли компонентлари аниқланди ва дастурий мажмуасининг билимлар базасини лойиҳалаштирилди ва бошқаришнинг интеллектуал мулоқот сценарийси тармоғининг Петри-модели ва IDEF1x модели ишлаб чиқилди. Билимлар базасини лойиҳалаштириш ва бошқаришнинг назарий масалларини ечиш учун хизмат қилади.

6. Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни яратишга кўмаклашувчи дастурий мажмуанинг маълумотлар базасини лойиҳалаш босиқичлари ва бошқариш учун ER модел, 16 та жадваллар (маълумот тузилмалар) ишлаб чиқилди ҳамда дастурий модуллари ва маълумотлар билан таъминлаш шакллантирилди. Бу эса МББТларида маълумотлар таъминотини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун хизмат қилади.

7. Мулоқот сценарийсининг фойдаланувчи интерфейсларини лойиҳалаштириш асосида мулоқот тузилмасини танлаш интерфейсини лойиҳалаш ва яратишнинг тўртта варианты ишлаб чиқилди. FSV технологияси ва «ИМТИ»нинг интеграцияси учун фактлар ва қоидалар ишлаб чиқилди ҳамда интеграцияни амалга оширишнинг функционал тузилмаси яратилди. Бу эса дастурий муажмуаларни фойдаланувчи интерфейсларини яратишга хизмат қилади.

8. Интеллектуал мулоқот тизимлари асосида сўровларни шакллантиришга кўмаклашувчи дастурий инструментлар асосида яратилган корпоратив ахборот-кутубхона тизимларида «ИМТИ» асосида 5 та ташкилотга жорий қилинди ва маълумотларни излашда вақтни 50% қисқартиришга ва фойдаланувчиларнинг сонини 1,25 баровар ортишга хизмат қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ**

**БЕКМУРОДОВ УЛУГБЕК БАХРОМ УГЛИ**

**МОДЕЛЬ, АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНЫЙ КОМПЛЕКС ДЛЯ  
ПОДДЕРЖКИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗАПРОСОВ НА ОСНОВЕ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ ДИАЛОГОВЫХ СИСТЕМ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,  
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.2.PhD/Т2280.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Муминов Баходир Болтаевич  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Рахимов Нодир Одилевич  
доктор технических наук

Хужаев Отабек Кадамбаевич  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «5» *ноября* 2021 г. в 16<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № *226*). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «22» *октябрь* 2021 года.  
(протокол рассылки № *32* от «18» *октябрь* 2021 г.).



**Р.Х. Хамдамов**  
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, профессор

**Ф.М. Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор технических наук, доцент.

**М.А. Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире последние годы увеличивается количество научных работ, посвященных развитию традиционных и современных методов интеллектуальной обработки данных. В особенности, рост объема цифровых технологий приводит к появлению множества практических и технических задач. Согласно отчетам компаний International Data Corporation и Seagate, в 2020 года кардинально увеличились глобальные данные, их объем составил 47 ZB. По информации журнала Computer World 80% глобальных данных являются неструктурированными<sup>1</sup>. Это, свою очередь, требует разработки и внедрения интеллектуальных систем, «умных» программных продуктов, технологий, используемых для повышения эффективности и увеличения жизненного цикла инструментальных программных модулей при извлечении необходимой информации среди больших объемов данных. В особенности, в таких странах как США, Германия, Франция, Великобритания, Япония, Австралия, Южная Корея, Китай, Индия, Российская Федерация и Узбекистан актуальными вопросами являются проблемы разработки алгоритмов эффективного вычисления при создании информационных систем сферы услуг и их программного обеспечения.

В мире множеством компаний проводятся научные исследования, направленные на разработку программных комплексов и алгоритмов для поддержки формирования запросов на основе систем интеллектуального диалога с использованием компьютерных технологий в сфере развития онтологических моделей при выражении современных знаний. В этом плане можно привести в пример компании Apple-Siri (США), Amazon-Alexa (США), Google-Assistant (США), Яндекс-Алиса (Россия) и др. Важнейшими задачами развития информационных технологий являются вопросы разработки программного комплекса с удобным интерфейсом, математическими моделями, алгоритмами и базой знаний, позволяющими поддерживающих формирования с учетом разработки интеллектуальной среды «человек - машина».

В Республике проводятся научные исследования по решению проблем создания интеллектуальных систем в теоретических и практических аспектах обработки данных с помощью программных средств. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены такие задачи как «...внедрение передовых информационно-коммуникационных технологий и внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу и область управления при их использовании»<sup>2</sup>. В частности, отмечаются задачи «... расширение сотрудничества с Интернет-ресурсами, специализирующимся на распространении электронных книг для повышения эффективности работы

<sup>1</sup> Artificial Intelligence, Big Data Analytics and Insight - analyticsinsight.net

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

библиотек и оперативности обслуживания (в том числе платного) пользователей»<sup>3</sup>. Осуществление данных задач, в частности, создание качественно новой системы предоставления информационно-библиотечных услуг населению, обеспечивающему усвоение прикладных и фундаментальных знаний с применением модулей интеллектуального анализа информационных систем библиотечной сферы, является важнейшей задачей.

Диссертационное исследование в определенной мере служит решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» и другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** В мире проводился ряд исследований по вопросам формирования запросов, повышения, совершенствования, эффективности обработки знаний и практического применения в интеллектуальных системах. В частности, был проведен сравнительный анализ научных работ в этой области таких ученых как М.Румизен, Л.Прусак, Т.Давенпорт, И.Нонака, С.Дисперса, Д.Чавел, У.Букович, Р.Уилямс, К.Поппер, В.Турчин, МакЭлрой, Х.Такеучи, Д.Фенсел, С.Стааб, Р.Студер, Т.Бернерс, Ж.Хендлер, А.Меадче, В.Зачариас, Г.Стефанопулос, Л.Борохович, А.Монастырская, М.Трохова, Ф.Перегудов, О.Мамырбаев, Т.А.Гаврилова, Ф.В.Хорошевский и др.

В Узбекистане большой вклад в развитие теоретических основ определения эффективности результатов на базе обработки знаний и выявленных показателей в интеллектуальных системах внесли М.Камилов, Т.Бекмуратов, Ш.Фозилов, М.Арипов, Д.Мухаммадиева, А.Ахатов, М.Мусаев, М.Рахматуллаев, Б.Муминов, О.Бобомуродов, Н.Маматов и др.

Актуальной проблемой остаются и в недостаточной мере изучены вопросы разработки алгоритмов и моделей, для поддержки формирования запросов с использованием онтологических моделей, анализа модели Петри при изучении научной литературы, управлении и проектировании базы знаний и данных.

**Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий в рамках проектов по темам «20/19-Ф - Виртуальная электронная библиотека Ташкентского университета

---

<sup>3</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 июня 2019 года №УП-4354 «О дальнейшем совершенствовании информационно-библиотечного обслуживания населения Республики Узбекистан»



информационных технологий имени Мухаммада аль-Хоразми и его филиалов» (2019-2020), «21/19-Ф- Методы и программные средств интеграций разнородных информационных систем» (2019-2021) ва «БЁО-А5-007- Разработка программных средств, методов и алгоритмов решения вопросов автоматического распознавания видеоданных» (2016-2018).

**Целью исследования** является разработка программного комплекса, моделей и алгоритмов, поддержки формирования запросов на основе элементов интеллектуальных диалоговых систем, интеграция с технологией FSV.

**Задачи исследования:**

разработка диалоговой архитектуры при формировании запросов интеллектуальных диалоговых систем;

разработка методов построения онтологии корпоративных информационно-библиотечных объектов и построение онтографической модели для соответствующей предметной области;

разработка алгоритма сценария диалога для одной узловой транзакции на вопросно-ответной основе в интеллектуальной среде и алгоритма первичной обработки запроса;

